

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №10

2022 йил 19 июль.

Кегейли тумани.

Кегейли тумани Халқ таълим булими биринчи томондан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб, буюртмачи номидан раҳбар К.Бекимбетов ва “HIMALAY LYUKS STROY” MCHJ маъсулияти чекланган жамияти иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталиб, пудратчи номидан раҳбар С.Шукируллаев иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини куйидагиларга асосан туздилар,

I. Таърифлар:

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

Қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

Вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг хар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Кегейли тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 35-сонли умум таълим мактаби (120 ўринли умум таълим мактаб иморати енгил қурилиш ишлари) объекти буйича лойиҳа хужжатларида қузда тутилган объектида енгил қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома буйича ишлар қиймати

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори 2022 йил 16 июль кунги (120619-сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда, жорий нархларда (шу жумладан ҚҚС билан) жами Кегейли тумани 35-сонли умум таълим мактаби (120 ўринли умум таълим мактаб иморати енгил қурилиш ишларини олиб бориш) объекти **649 000 000 (Олти юз қирик туккиз миллион сўм)** сўмни ташкил этади. (Пудратчи ҚҚС туловчиси)

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас. Куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини қупайтиришга енгиб булмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортикка узгартирилганда.

6. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

8. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда иншоат нархдаги ишларни энг камида 50 фоизини узининг кучи ва (ёки) жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- 1-иловага мувофик курилиш майдонида зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан келишган холда шартнома тузиши шарт;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиш бериш ва иссик овкат билан таъминлаш;

- курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- курилиш майдонини куриклашни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофик, хар хисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига хисобот топшириши лозим, акс холда хисобот ойида 2-иловага кўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида Буюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартномани бекор қилиш амалдаги конун доирасида кўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

Пудратчи лойиҳа-смета хужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачининг рухсатисиз ўзгартириш киритмайди. Агарда ўз хохиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиҳа смета хужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофик ишларни бажариш учун ярокли

булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда куриб чиқиш ва қарор кабул қилиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни кабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан ҳар ҳисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида ҳисоб-фактура ва ҳисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларини молиялаштирмайди. Ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

13. Шартнома:

миллий валюта «сумда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблағлари ҳисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аниқланган курилишнинг фойдаланишга топшириш муддати 60 кун деб белгиланган.

16. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдориди, дастлабки икки ойга тенг улушларга (ойига 30%) аванс утказди, топширилган иш ҳажми тулик бажарилгандан қолган 65 % маблағ тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

19. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача тўлов амалга оширилади.

- Мазкур шартномада белгиланган объектнинг 5 фоизлик маблағи 1 йиллик қафолат муддати тамом булгандан кейин, тегишли ҳужжатлар тақдим қилинганнан сўнг амалга оширилади.

20. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

21. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

-Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

22. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.
23. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳукукига эгадир.
24. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайда булувчи масалаларни хал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.
25. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бандида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
26. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
27. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
28. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги хужжатларни беради.
29. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.
30. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.
- Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан амалга оширади.
31. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома бўйича Буюртмачига беради.
32. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли корхоналарга топширади.
33. Пудратчи узи томонидан курилишда қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга булишини қафолатлайди.
34. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурулишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
35. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитекткурулишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
36. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.
37. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган булса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган булса ёки кечикиб хабардор қилинган булса, у ҳолда унинг талаби

буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

38. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

39. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чикариб ташлайди.

40. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олинishi, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикий тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарыда уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни куриклаш

41. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тусилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

42. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект кабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

43. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

44. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари 1 ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

45. Агар томонлар 2 ой ичида келиша олмасалар у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш

46. Курилиши тугулланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиш тугалланган

объектларни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

47. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга кабул килиш ишчи гуруҳ далолатномасини беради.

Буюртмачи куриилши тугалланган объектни Давлат кабул комиссияси иштирокида кабул килиб олади.

48. Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V булимига мувофик Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

49. Иншоат Давлат кабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга кабул килинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

50. Пудратчи:

- барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиклигини; ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф килишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

51. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиш тугалланган объектни кабул килиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 24 ой этиб белгиланади.

52. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улдар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг уз хисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торгган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитекткурулишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича тегишли иқтисодий суд органларига мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор килиш

54. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан 1 ойдан қура вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қурайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

55. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

56. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

57. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

58. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

59. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қуйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани конунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа Пудратчига бериш буйича таклиф беради.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

60. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тугрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

61. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига қечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

62. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорда жарима тулайди.

63. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-иловасига мувофиқ объектда ҳар ойда бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмларини бажармаган тақдирда, ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

64. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса, у холда Буюртмачи «Давархитекткурилиш-назорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

65. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томониккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

66. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XV. Низоларни хал этиш тартиби

67. Шартномани бажаришда ва бекор килишда, шунингдек, етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Нукус туманлараро иктисодий суди томонидан куриб чикилади.

XVI. Коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ва коррупцияга

қарши коидаларининг асосий шартлари

68. Томонлар шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (Кегейли тумани Халк таълими бўлими ёки “ ” маъсулияти чекланган жамияти) ходими ўз мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги яхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун кўйидаги ҳаракатларни килмайди:

- пора беришни таклиф килиш ёки ваъда бериш;

- товламачилик килиш;

- пора сифатида пул тўлаш;

- бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик буйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

69. Агар шартнома буйича бир Томон (Кегейли тумани Халк таълими бўлими ёки “HIMALAY LYUKS STROY” MCHJ маъсулияти чекланган жамияти) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси конунчилиқ хужжатларига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид хукукбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда кўйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор килиши керак:

- (61) 412-28-02, (99)734-77-30.

XVII. Алоҳида шартлар

70. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

71. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи (шахс) томонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмайди.

72. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, курилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар уртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошка оралик бугинларнинг иштирокисиз факат шартнома асосида курилади.

воситасининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташкарига реализация килиш деб хисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

73. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари буйича тузилган бош шартнома буйича мажбуриятлар сақланиб қолиниши шарт билан мустакил амалга оширилади.

74. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

75. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

76. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

77. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

78. Мазкур шартнома томонлар имзолагандан сунг қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

79. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик қучга эгадир.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

БУЮРТМАЧИ:

“HIMALAY LYUKS STROY” МСНҲ
маъсулияти чекланган жамияти
Манзили: Нукус шаҳри, Хожели гузори, 4-
уй, 4-хонадон
Телефон: 99-357-88-77
х/р 20208000905336961001
МФО 00623
ИНН 308149908
АК Алоқа Банк Қорақўлқок филиали
Раҳбар С.Шуқируллаев



ПУДРАТЧИ:

КЕГЕЙЛИ ТУМАНИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ
Манзили: Кегейли тумани, Кегейли гузори
кўчаси р-уй, тел: 61,412-30-40
х/р: 23402000300100001010 ИНН: 201122919
МФО: 00014
ш/р: 100022860352127092100075067
ИНН 200382533
Тошкент шаҳар Марказий банки
Раҳбар К.Беқимбетов



**YURIDIK ÁHMIYETKE IYE HUUJETLERDÍN NÍZAM HUUJETLERINE
MUWAPÍQLÍGÍ HAQQÍNDA
HUQÍQÍY JUWMAQ**

№ 5

1. Joybardıń turi: Shártnama

2. Joybardıń atı: Qurilis jumislarin alip bariw haqqında

Kegeyli rayonı Xalıq bilimlendiriw bólimi tárepinen islep shıǵılǵan joybarǵa tiykar Kegeyli rayonı Xalıq bilimlendiriw bólimi menen «HIMALAY LYUKS STROY» JShJ arasında 35-orta mektep ushin jámi 649.000.000 sumlıq qurilis jumislarin alip bariw haqqında shártnama joybarı tayarlangan.

3. Joybardı islep shıǵıwshı hám kiritilgen sáne haqqında maglıwmat:

Kegeyli rayonı Xalıq bilimlendiriw bólimi tárepinen 2022 jil 19 iyul kuni islep shıǵılǵan.

Juwmaq Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2022 jil 02 iyul kungi «Qaraqalpaqstan Respublikası aymagında ayriqsha jagday jariyalaw haqqında»gi PP-164 sanli pármanına tiykar qagaz variantta berilmekte.

Joqarıdaǵılardı esapqa alıp, huqıqıy ekspertizadan ótkeriw natiyjelerine kóre

J U W M A Q:

Joybar ámeldegi nızam hujjetlerine muwapıq islep shıǵılǵan hám onı qabıl etiw maqsetke muwapıq.

Oray bas yuriskonsulti



S.Bazarbayev

19.07.2022 jil.





Кегейли РХББ бaслыгы
К. Бекимбетов

«19» аввал 2022 жыл

Кегейли РХББ “Товар-материаллық запаслар ҳәм ислерди (хызметлерди) сатып алыў бойынша таңлаў комиссиясы”ның ен жақсы уынысларды таңлап алыў бойынша откерилген

8 -санлы мәжлис баянламасы

2022-жыл “19” аввал

Кегейли р.н

Қатнасыўшылар:

Комиссия бaслыгы:

Кегейли районы Халық Билимлендириу болими бaслыгы:

К. Бекимбетов

Комиссия ағзалары:

РХББ бас есапшысы:

А. Абдиев.

РХББ бас инженері:

С. Бекниязов

РХББ бас экономисти:

Г. Жумабаев.

РХББ бас таъминатшы:

З. Жаббарбергенов

КҮН ТӘРТИБИ:

Кегейли РХББ - Таңлап алыў комиссиясы бaслыгы К.Бекимбетов мәжлисте таңлаў комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам қатнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлаў комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлаў комиссиясы хаткери таңлаў комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усунды: Өзбекстан Республикасының 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы “Мамлекет сатып алыўлар ҳаққында»ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда- Нызам) 58-статьясына муапық ен жақсы уынысларды таңлап алыў откерилиўи ҳаққында арнаўлы информацион порталында (<http://dxarid.uzex.uz/>) дағаза таңлаў қатнасыўшыларының қабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрeпинен жеке кабинети аркалы жайластырылған 2022 жыл 08-июль күни №22110012120619-санлы лот бойынша, 2022-жыл 16-июль күни баянлама бойынша хеш қандай шағым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекетлик сатып алыўлар ҳаққында”ғы Нызамы талапларына хәмде жоқары көрсетилген мағлыўматларды есапқа алып Таңлаў комиссиясы

ҚАРАР ЕТЕДИ:

1. Кегейли РХББ- не қараслы № 35-санлы мектеп имараты женил онлау жумыслары ушын өткерилген таңлап алыўда таңлаў хўжетлеринде хәм таңлаў шәртлери бойынша ен жақсы шәртлери усунған хәм таңлап алыў женимпазы деп табылған " HIMALAY LYUKS STROY "MCHJ 649 000 000 сум (ҚҚС пенен бирге) менен шартнама дузилсин.






2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыў шәртлери тийқарында шәртнама дүзиўден бас тартқан жағдайда шартнама дүзиў хуқуқы кейинги қатнасыўшы (резерв) етип, "AQMANGIT UNIVERSAL PROGRESS " MCHJ белгиленсин. Бунда жеңимпаз қатнасыўшы уыныс еткен

суммасынан аспаган муғдарда шэртнама дүзиү мүмкинлиги белгилеп қойылсын.

3. Нызам талапларына муўапық таңлау катнасыўшыларының усынысларын көрип шығыў хэм баҳалау мүддети усыныслар бериў тамам болыўынан 10 (он) күнинен асып кетиўи мүмкин емеслиги мағлыўмат ушын қабыл етилсин.

4. Мекеменин бас есапшысы – А.Абдиев таңлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хамде шартнама дузилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информацион порталына (www.xarid.uz) жайластырыу тапсырылсын.

5. Таңлау комиссиясы хаткери (А.Косдавлетова), усы таңлап алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартипте сакланыуын тамийнлесин.

Комиссия баслығы:		К.Бекимбетов
Комиссия ағзасы:		А. Абдиев
Комиссия ағзасы:		С. Бекниязов
Комиссия ағзасы:		Г. Жумабаев
Комиссия ағзасы:		З. Жаббарбергенов